

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВА ГУЛНОЗАХОН АЗАМОВНА**

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН  
МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(“Информатика ва ахборот технологиялари” фани мисолида)**

**13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy  
(PhD) on pedagogical sciences**

**Расулова Гулнозахон Азамовна**

Педагогика олий таълим муассасалари учун мультимедиали электрон  
дарсликлар яратиш методикасини такомиллаштириш..... 3

**Расулова Гулнозахон Азамовна**

Совершенствование методики создания мультимедийных электронных  
учебников для педагогических высших образовательных учреждений ..... 25

**Rasulova Gulnozakhon Azamovna**

Improving the methodology for creating multimedia electronic textbooks for  
higher pedagogical educational institutions ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 52

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВА ГУЛНОЗАХОН АЗАМОВНА**

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН  
МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(“Информатика ва ахборот технологиялари” фани мисолида)**

**13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Ped640 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Тайлақов Норбек Исақулович**

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Камолов Баходир Асомович**

география фанлари доктори, доцент

**Саматов Баҳром Таджихматович**

физика-математика фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:


Жиззах давлат педагогика институти


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети хузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» декабрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)


Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (631 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» декабрь кuni тарқатилди.  
(2021 йил «11» декабрь даги 9 рақамли реестр баённомаси).



  
**Т.Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

  
**Ш.К.Хўжамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, педагогика фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

  
**К.М.Боймирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, география  
фанлари доктори (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълим тизимига замонавий ахборот коммуникацион технологияларни жорий этиш долзарб муаммолардан бири саналиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида таълим-тарбия жараёнига мультимедиали электрон дарсликларни жорий этиш таълим тараққиётининг устувор йўналишларидан бири эканлиги эътироф этилмоқда<sup>1</sup>. АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Франция, Испания, Хитой, Россия каби давлатларда таълим тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш асосида виртуал таълим технологиялари, электрон қўлланмалар, мультимедиали электрон дарсликлар яратиш соҳасидаги халқаро тадқиқотлар методологик асос вазифасини бажармоқда. Шунингдек, таълим соҳасидаги эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, мультимедиали электрон дарсликлар яратиш методикасини такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Дунёда таълим тизимини ахборотлаштириш ва замонавий коммуникацион технологияларни таълим тизимига жорий этишга доир қатор ишлар амалга оширилиб, олий таълим муассасаларида ўқитишнинг замонавий компонентларини тўлиқ қамраб оладиган тизимли тадқиқот олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланмоқда. Шу жиҳатдан мутахассисларнинг касбий компетентлиги даражасини ошириш, ижодий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, электрон ўқув адабиётлар яратиш ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш, виртуал лаборатория машғулотларини олиб бориш таълим тизимида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз таълим тизимида дастурий маҳсулотлар, интернетга мўлжалланган дастурий маҳсулотлар, электрон қўлланмалар, тест ёки назорат қилувчи дастурлар, электрон кутубхона, ўқув-меъёрий хужжатларни автоматлаштириш, электрон ахборот макони, айниқса, олий таълим муассасалари учун виртуал борлиқни ҳис қилдирувчи лаборатория ишлари, компьютер технологиялари асосида ўқитишга мўлжалланган дастурий воситалар, мультимедиали электрон дарсликлар, электрон ўргатувчи курслар, масофали таълимга мўлжалланган порталларни ўз ичига олган ягона ахборот-таълимий муҳитини яратиш жараёни тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим

---

<sup>1</sup> *Education 2030. Incheon Declaration and Framework for Action.* / [http://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/education-2030-incheon-framework-for-action-implementation-of-sdg4-2016-en\\_2.pdf](http://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/education-2030-incheon-framework-for-action-implementation-of-sdg4-2016-en_2.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим муассасаларини замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, илғор хорижий тажрибаларни таълим тизимига кенг жорий этиш, замонавий-ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш ҳамда мультимедиали электрон дарсликларни яратиш методикасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2012 йил 16 апрелдаги ПҚ–1740-сон «Ўзбекистон Республикасида «Электрон таълим» миллий тизимини яратиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июндаги 3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш, таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш, “Электрон таълим” миллий тизими ахборот-таълим ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлашни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда электрон ўқув адабиётлар яратиш ва улардан таълимда кенг фойдаланиш муаммолари бўйича олимлардан А.А.Абдуқодиров, М.А.Арипов, Р.Х.Аюпов, Р.Х.Джураев, С.И.Исмоилов, Н.И.Тайлақов, К.А.Турсунметов, У.Ш.Бегимкулов, М.Ҳ.Лутфуллаев, Қ.Т.Олимов, Ш.М.Комилов, Ш.Т.Эрматов, Н.Р.Рустамовлар тадқиқот ишлари олиб борган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан А.А.Андреев, В.В.Алейников, Е.А.Аленичева, О.И.Басина, О.В.Бондаренко, А.Н.Небаба, К.Е.Демихов, Н.Н.Елистратова, Е.С.Полат, Е.А.Петрова, А.Н.Чуксина, А.Ю.Якунин, Е.Л.Федотоваларнинг тадқиқот ишларида таълим тизимини ахборотлаштириш, электрон ўқув адабиётлар яратиш технологиялари ҳамда улардан фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар W.L.Rosch, B.Phillipp, B.Andresen, K.Brink, J.Watson, A.Hillларнинг тадқиқотларида ахборот технологиялари асосида электрон

қўлланмалар яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш ва ривожланиш истиқболлари масалалари ўрганилган.

Бироқ назарий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда бўлажак мутахассисларни замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари давр талабига айланмоқда. Бу эса педагогика олий таълим муассасалари учун мультимедиали электрон дарсликлар яратиш ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2014-0906164153. “Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш” (2014-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** педагогика олий таълим муассасалари учун мультимедиали электрон дарсликлар яратиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мультимедиали электрон дарсликларнинг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган педагогик-психологик талабларни аниқлаштириш;

педагогика олий таълим муассасалари учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали электрон дарсликни яратиш ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш тамойилларини аниқлаштириш;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича мультимедиали электрон дарслик яратиш босқичларини такомиллаштириш;

мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида педагогика олий таълим муассасалари учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали электрон дарсликни яратиш методикасини такомиллаштириш жараёнлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни педагогика олий таълим муассасалари учун “Информатика ва АТ” фанидан мультимедиали электрон дарслик яратиш методикасини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда педагогик кузатув, психологик ёндашув, қиёсий таҳлил қилиш, суҳбат, тест, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

мультимедиали электрон дарсликларнинг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган эргономик тавсифга эга турлича мураккаблик даражасига эга ўқув материалларининг мужассамлашуви, кўргазмалиликнинг юқори даражасига эгалик, вариатив топшириқлар мажмуасини ўзида акс эттириш

каби педагогик-психологик талаблар ўқитишнинг интерактивлик ва оптималлик жиҳатларини дидактоген продуктивликка эга бўлишини бевосита ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали электрон дарсликни яратиш ва дастурий таъминотини ишлаб чиқишнинг модуллилик, тўлиқлик, кўргазмалилик, тармоқланиш, бошқарувчанлик, мослашувчанлик каби тамойиллари ўқитиш жараёнида субъект-объект кўринишига эга информацион ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнларини компьютер воситасида қўллаб-қувватлашни тақозо этувчи курсни технологик сценарийсини тузиш алгоритми билан идентивлигини қатъий белгилаш орқали аниқлаштирилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича мультимедиали электрон дарслик яратишнинг манбаларни тўплаш, сифатни мақбуллаштириш, таркибий тузилмани белгилаш, гиперматнни лойиҳалаш, интеллектуал ядрани ҳосил қилиш, ўргатувчи тизимни таркиб топтириш, визуаллаштириш босқичларини конструкциялаш жараёнларида мультимедиали компонентни узлуксиз коррекциялаш механизмини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг сифат мезонлари таълим стандартларига мувофиқлик, ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштириш имкониятига эгалик, ўқув фаолиятини ташкил этиш ва таълимий натижаларни ташхис этиш шакллари билан уйғунлик кўрсаткичларини такрорий қайта алоқага киришув даражаси адекватлигини максимал ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мультимедиали электрон дарсликларнинг тузилиши, мазмуни, яратишга қўйиладиган педагогик талаблар, баҳолаш мезонлари талабаларда шакллантирилиши зарур бўлган касбий компетенциялар доирасида такомиллаштирилган;

педагогика олий таълим муассасалари учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фани асосида мультимедиали электрон дарслик яратилган;

педагогика олий таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали электрон дарсликнинг таркибий тузилмаси модуллари мотивацион алгоритм воситасида такомиллаштирилган;

мультимедиали электрон дарсликда келтирилган маълумотлар ва янгиликларнинг изчиллиги, узвийлиги ва ворисийлиги асосида фойдаланиш самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммога фалсафий, педагогик-психологик ёндашувлар ҳамда республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, ОАК эътироф этган махсус ва хорижий журналларда чоп қилинган мақолалар, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва



тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика олий таълим муассасалари учун мультимедиали электрон дарсликлар яратишга қўйиладиган талаблар назарий-педагогик жиҳатдан асосланганлиги, мультимедиали электрон дарсликлар яратиш босқичларининг мезонлари ишлаб чиқилганлиги, олий таълим муассасалари (ОТМ) учун “Информатика ва АТ”дан МЭД яратилганлиги ва ундан таълим жараёнида фойдаланишнинг методик асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича мультимедиали электрон дарслик яратишнинг манбаларни тўплаш, сифатни мақбуллаштириш, таркибий тузилмани белгилаш, гиперматнни лойиҳалаш, интеллектуал ядрани ҳосил қилиш, ўргатувчи тизимни таркиб топтириш, визуаллаштириш босқичларининг лойиҳалаштирилганлиги, мультимедиали компонентни узлуксиз коррекциялаш механизми, мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг сифат мезонларини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Педагогика олий таълим муассасалари учун мультимедиали электрон дарсликлар яратиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар асосида:

мультимедиали электрон дарсликларнинг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган эргономик тавсифга эга турлича мураккаблик даражасига эга ўқув материалларининг мужассамлашуви, кўргазмалиликнинг юқори даражасига эгалик, вариатив топшириқлар мажмуасини ўзида акс эттириш каби педагогик-психологик талабларни ўқитишнинг интерактивлик ва оптималлик жиҳатларини дидактоген продуктивликка эга бўлишини бевосита ҳисобга олиш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 8 октябрдаги 02-07-2846/04-сон маълумотномаси). Натижада, педагогика олий таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга эришилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мультимедиали электрон дарсликни яратиш ва дастурий таъминотини ишлаб чиқишнинг модуллилиқ, тўлиқлик, кўргазмалилик, тармоқланиш, бошқарувчанлик, мослашувчанлик каби тамойилларини ўқитиш жараёнида субъект-объект кўринишига эга информацион ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнларини компьютер воситасида қўллаб-қувватлашни тақозо этувчи курсни технологик сценарийсини тузиш алгоритми билан идентифлигини қатъий белгилаш орқали аниқлаштириш, “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича мультимедиали электрон дарслик яратиш босқичларини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 574097-ЕРР-1-2016-1-СУ-ЕРРКА2-СВНЕ-JP рақамли (“RUECVET: Россия ва Ўзбекистон

таълими ва касбий таълимнинг миллий тизими учун (ECVET) синов бирлигини (кредитларни) кўчиришнинг Европа тизимини пилотлаштириш” (2016-2019 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 8 октябрдаги 02-07-2846/04-сон маълумотномаси). Натижада, кредит-модуль тизими шароитида педагогика олий таълим муассасаларида мультимедиали электрон дарсликларни қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мультимедиали электрон дарсликдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг сифат мезонларини таълим стандартларига мувофиқлик, ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштириш имкониятига эгалик, ўқув фаолиятини ташкил этиш ва таълимий натижаларни ташхис этиш шакллари билан уйғунлик кўрсаткичларини такрорий қайта алоқага киришув даражаси адекватлигини максимал ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ИТД-17-069. “Олий таълим муассасаларининг ягона ахборот электрон тизимини яратиш ва жорий этиш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 8 октябрдаги 02-07-2846/04-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълимда ягона ахборот электрон тизимини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш индикаторларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий методик иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 7 таси республика ва 3 та хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч асосий боб, 8 параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган. Диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Педагогика олий таълим муассасалари учун мультимедиали электрон дарсликлар яратишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мультимедиали электрон дарслик яратиш педагогик муаммо сифатида асосланган.

Бинобарин, сўнгги йилларда ўқув адабиётлари, шу жумладан, электрон дарслик билан боғлиқ бўлган кўп тушунчалар ҳам таркибан, ҳам мазмунан сезиларли даражада янги мазмун касб этди.

Ўзбекистон республикасида яратилган дастурий маҳсулотларнинг таркибий тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, уларни қуйидаги йўналишларда бажарилганлигини эътироф этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган дастурий маҳсулотлар; мультимедиали электрон дарслик ва қўлланмалар; электрон кутубхона; интернетга мўлжалланган дастурий маҳсулотлар; тест ёки назорат дастурлари; виртуал лабораториялар; ўқув меъёрий хужжатларни автоматлаштириш; электрон ахборот макони; электрон ўргатувчи курслар; масофали таълимга мўлжалланган порталлар ва ҳ.к.

Мультимедиали электрон дарслик ёрдамида таълим бериш бўйича қуйидаги хулосаларни қилиш имконини берди:

– мультимедиали электрон дарслик анъанавий ўқув адабиётига нисбатан материални бериш усуллари, яъни индуктив ёндашув, эшитиш ва ҳис қилиш қобилиятига таъсир каби омиллар ҳисобига ўрганилаётган материални тушунишни осонлаштиради;

– ўрганувчининг талаблари, тайёргарлик даражаси, интеллектуал имкониятларига мос ҳолда мослашиш имконияти яратилади;


– ўқитишнинг барча босқичларида ўз-ўзини назорат қилиш учун кенг имкониятларини беради ва ҳ.к.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, мультимедиали электрон дарслик янги педагогик технологиялар орасида алоҳида ўрин эгаллайди, анъанавий (одатий) дарсликдан қуйидаги хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади:

- ўқитувчига энг яқин услубий ёрдам кўрсатувчи воситалиги;
- фаннинг ҳар бир бобига, мавзусига тегишли назарий ва амалий маълумотлар, лаборатория машғулотлари кабиларни овозли кўргазмали воситалар орқали кўрсатиш имкониятларининг мавжудлиги;
- турли маълумотларнинг ҳаракатда намоён бўлиши;
- фанга оид амалий дастурлар мавжудлиги;
- фанга оид тест саволлари, топшириқлар, дам олиш ўйинлари мавжудлиги;
- маълумотларнинг ихчамлиги;
- қисқа вақт ичида кўп маълумот бериш имконияти мавжудлиги;
- талабаларнинг ўзлаштириш самарадорлигини юқори бўлиши ва ҳ.к.

Тадқиқот доирасида информатика таълимига оид мультимедиали электрон қўлланмалар яратишга қўйиладиган педагогик талаблар, мезонлар, уларнинг тузилиши, шакллари ва турлари, яратиш босқичлари яхлит тизим сифатида илмий таҳлил этилди, мультимедиали электрон дарсликнинг таълим босқичларига мос хусусиятлари аниқланди ва уларни яратишни такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилди.

МЭД дастурий таъминотига қўйиладиган қуйидаги асосий такомиллаштирилган педагогик талаблар аниқланди, у 1-расмда келтирилган.



1-расм. МЭД дастурий таъминотиға қўйиладиган такомиллаштирилган асосий талаблар.

Икки томонлама мулоқотни таъминлаш, орқага қайтиш имконияти, дастурнинг статистик нусха олиш имкониятини таъминлаш, релаксация блоқининг мавжудлиги каби МЭДга қўйиладиган педагогик талаблар таклиф қилинди ва шулар асосида МЭДнинг педагогик талаблари такомиллаштирилди.

Педагогика ОТМлар учун яратиладиган МЭДлар фан мазмуни, таълим мақсадларига ҳамда давлат таълим стандартларига мос келиши, талабаларнинг мустақил билим олишини таъминлаши, фанга оид етарли миқдордаги маълумотларни ўзида мужассамлаштиришган бўлиши, талабага ўз-ўзини ёки ўқитувчига талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини яратиши лозимлиги асосланди.

Электрон ўқув адабиётлар ўз мазмуни, тайёрланиш сифати даражасига кўра “дарслик-ўқитувчи” мақомига кўтарилиши, унда таълимни индивидуаллаштириш тамойилларига кўра мустақил ҳолда таълим олишнинг ҳамма хусусиятлари ўз аксини топиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Диссертациянинг **“Педагогика олий таълим муассасалари учун информатикадан мультимедиали электрон дарслик яратиш методикасини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида “Информатика ва АТ” мультимедиали электрон дарслигини яратишни педагогик лойиҳалаш ва уни яратиш босқичлари илмий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

МЭД яратиш мураккаб жараён эканлигини эътиборга олган ҳолда уни босқичларга бўлиб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. МЭД яратишнинг асосий босқичлари 1-жадвалда келтирилган:

1-жадвал.

МЭД яратишнинг асосий босқичлари

	<b>Босқич номи</b>	<b>Бажариладиган ишлар мазмуни</b>
1	Манбаларни танлаш	Манба сифатида қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи манба ёки электрон нашрларни танлаб олиш мақсадга мувофиқдир: <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ ДТСга тўла мос келувчи манба ёки нашр;</li> <li>▪ гиперматн яратиш учун қулай манбалар;</li> <li>▪ тўла ҳажмли материалга эга манба;</li> <li>▪ қулай шаклларга эга манбалар.</li> </ul>
2.	Муаллиф билан қайта ишлаш ҳуқуқи ҳақида шартнома тузиш	Олинган манбалар тўпламидан нарх ва сифатга мос бўлган муаллифлар танлаб олиниб, улар билан шартномалар имзоланади
3.	Мундарижа ва тушунчалар рўйхатини яратиш	Мундарижани яратиш, яъни материални ҳажман энг кам ва мазмунан тўлиқ бўлган, шунингдек, фанни ўрганиш учун зарур ва етарли бўлган тушунчаларнинг рўйхати тузилади ва қисмларга бўлиш билан амалга оширилади
4.	Қисмлар бўйича матнларни қайта ишлаш	Мундарижа, индекслар ва модуллар тузилишига мос ҳолда манба матнлари қайта ишланади, рўйхатга кирмаган матнлар олиб ташланади, манбаларда йўқлари ёзилади, контекст ёрдам (Help) тизими яратилади. Материаллар орасидаги боғланиш ва гипермуурожаатлар аниқланади. Шундай қилиб, гиперматннинг компьютерга татбиқ қилиш лойиҳаси тайёрланади
5.	Гиперматнни электрон шаклда тадбиқ қилиш	Гиперматн электрон шаклга айлантирилади. Натижада, ўқув мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган содда электрон нашр яратилади. Кўпчилик мана шу содда электрон нашрни электрон дарслик деб атайд
6.	Компьютерли ёрдамни яратиш	Компьютер билан боғлиқ бўлган ишлар яратилади, яъни маълумотлар ҳар бири аниқ ҳолда компьютерга топширилади, компьютер жавоби қайси шаклда кўриниши кераклиги аниқланади. Натижада талабалар учун зарур, аудитория машғулотлари учун фойдали ва ўқитувчилар учун қулай хоссаларга эга бўлган электрон дарслик яратилади. Бу босқичда электрон дарслик навбатдаги мукамаллаштирувга, яъни мультимедиали воситалар ёрдамида овозлаштириш ва визуаллаштиришга тайёр ҳолга келади

7.	Мультимедиали соҳа учун материал танлаш	Алоҳида тушунча ва тасдиқларнинг тушунтириш услублари ўзгартирилади ва мультимедиали материаллар билан алмаштириш учун матнлар танлаб олинади.
8.	Овозли соҳани яратиш ва уни ишга тушириш	Ўрганилаётган материални тушуниш ва эслаб қолишни осонлаштириш учун талабаларнинг эшитиш қобилиятидан фойдаланиш ва экранни матнли маълумотлардан биров энгиллатиш мақсадида мультимедиали ҳамда овозли матнлар яратилади, матнлар диктофонга ёзилади ва компьютерда татбиқ қилинади
9.	Материални визуаллаштиришга тайёрлаш	Ўрганилаётган материални тушуниш ва эслаб қолишни осонлаштириш учун талабаларнинг ҳис қилиш қобилиятидан фойдаланиш мақсадида ва энг кўп кўргазмалиликдан фойдаланиш учун визуаллаштириш сценарийси яратилади
10.	Материални визуаллаштириш	Матнлар визуаллаштирилади, яъни анимация, расм, графиклардан фойдаланиб, яратилган сценарий компьютерли қамраб олинади

Мультимедиали электрон дарсликни фойдаланишга тайёрлаш мазмуни куйидагилардан иборат:

- 1) синаб кўриш;
- 2) фойдаланиш бўйича кўрсатма ёзиш;
- 3) услубий таъминот яратиш;
- 4) материални рўйхатдан ўтказишга ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги (Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идораси)дан гриф олишга тайёрлаш;

5) рўйхатдан ўтказиш ва гриф олиш.

“Информатика ва АТ” фани бўйича МЭДдан фойдаланиб дарс ўтиш схемаси куйидагича:

- мавзу номи танланади;
- берилган мавзу бўйича электрон ишчи дастурдан лавҳа намойиш этилади;
- берилган мавзу бўйича мультимедиали электрон дарсликнинг назарий материаллари намойиш қилинади;
- видеолекция ва кўриш амалга оширилади (алоҳида мавзулар бўйича);
- маъруза материаллари видеослайдлар ва бошқа видео материаллар намойиш қилинади;
- талабаларнинг талабларига кўра слайдлар намойиши ва маърузанинг алоҳида лавҳаларини тушунтириш қайта амалга оширилади;
- бир ёки бир нечта мавзулар тугагач тест синовлари ўтказилади.

Тест ўтказиш тизими мультимедиали электрон дарсликнинг муҳим қисмини ташкил этади.

Педагогик вазифасига кўра тест назоратининг турли вариантлари 2-жадвалда келтирилган:

## Педагогик вазифасига кўра тест назоратининг вариантлари


	Назорат турлари	Кўриниши
1.	Юмшоқ (ўз-ўзини текшириш)	Талаба саволга жавоб беришда бир неча бор уриниб кўриш имкониятига эга (тўғри жавобни топгунича)
2.	Қаттиқ (ўз-ўзини текшириш)	Жавоб учун биттагина имконият мавжуд бўлиб, фақат тест (синов) натижалари ўқувчига етказилмайди. Бу вариантлар, қоидага биноан, дарслик материалларига мурожаат имкониятларини кўриб чиқади ва унинг ажралмас қисми бўлиб қолади
3.	Сертификацияланган текшириш (тест ўтказиш)	Синов натижалари билимлар даражасини баҳолашда ўрганилади. Бунда синов натижаларини санкцияланмаган «тўғрилашлар»дан ҳимоялаш, «тузатиш», «ташки омиллар» таъсирини минималлаштиришни таъминлаш зарур

Педагогика ОТМ учун “Информатика ва АТ”дан МЭД яратиш жараёнини қуйидаги босқичлар асосида олиб бордик:

1. Фан мазмуни шакллантирилди.
2. Машғулот ўтказиш мазмуни ва услуби танланди.
3. МЭДни яратиш таркибий тузилиши лойиҳаланди.
4. Экран шакллари ва ахборот қисмларининг дизайни яратилди.
5. МЭДга ўқув материалларини жойлаштиришга тайёрланди.
6. Тайёрланган материал асосида МЭДни структурали элементлари тўлдирилди.
7. МЭДни тажрибада синовдан ўтказилди.
8. МЭДдан таълим жараёнида фойдаланилди.

МЭД яратиш босқичида ўқув материалининг ўзлаштириш архитектураси ёки жойлашув структураси ишлаб чиқилди, фойдаланувчи билан ўзаро алоқа механизми лойиҳалаштирилди. Мазмун бўйича асосий ва кўшимча элементлар ажратилди, ахборотли блокларнинг иерархик структураси қурилди. Фойдаланувчи интерфейси ҳамда алоҳида қисмлар ва экранлар ўртасидаги гипералоқалар яратилди. Натижада дарахт кўринишдаги иерархик структурали ўқув материалининг ишчи нусхаси ҳамда маълумотли қисмлар ва экранли шаклларнинг шаблонлари мажмуаси ва МЭДнинг интерактивлигини таъминловчи гипермурожаатлар ҳосил бўлди.


“Информатика ва АТ”дан 10 та модулга бўлинган МЭД структураси схематик тарзда 2-расмда келтирилган.



2-расм. “Информатика ва АТ”дан мультимедиали электрон дарслиги таркибий тузилиши модуллари

Тадқиқот ривожда “Информатика ва АТ” МЭДнинг мазмунини белгилашнинг назарий-услубий асослари ва “Информатика ва АТ” мультимедиали электрон дарслигидан фойдаланиш услубиёти ёритилган. “Информатика ва АТ МЭДни яратишда HTML, JavaScript, Delphi, Front Page, Dreamweaver 8, Flash 8, PhotoShop CS, CorelDraw 12 ва бошқа дастурий воситалар каби дастурий воситалардан фойдаланилган.


Фойдаланувчини қайд этиш сатрида маълум белги ёки исм киритилгандан сўнг, Start тугмаси босилади. Экранда мультимедиали электрон дарсликнинг юкланиш анимацияси ҳосил бўлади (3-расм.)



3-расм. Дастурнинг юкланиш анимациясидан лавҳа



4-расмда ишлаб чиқилган мультимедиали электрон дарслик мундарижасидан лавҳа келтирилган.



4-расм. МЭД мундарижаси.

Ушбу бобда, шунингдек, педагогика олий таълим муассалари учун “Информатика ва АТ” курси мисолида МЭДни яратиш мезонлари, МЭДни яратиш босқичлари, тузилиши илмий нуқтаи назардан таҳлил этилди.

Диссертациянинг **“Информатика ва АТ” МЭД асосида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш**” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба, синов ишларини ташкил этиш усуллари ва уларнинг натижалари келтирилган.

Педагогика олий таълим муассасалари учун яратилган “Информатика ва АТ” мультимедиали электрон дарслигининг таълим ва тарбиявий вазифаларни муваффақиятли бажаришга қай даражада мувофиқ келишини аниқлаш ва уларни янада такомиллаштириш юзасидан тажриба синов ишлари ташкил этилди.

МЭДни самарадорлик даражасини аниқлаш ва баҳолашда қуйидаги умумий педагогик талаб ва мезонлар инобатга олинди:

1. МЭДдаги ўқув материалнинг ҳажми ва мазмуни.
2. МЭДни ўқув материали баёнининг илмийлиги.
3. МЭДда ўқув материали баёнининг тушунарлилик даражаси.
4. Ўқув материални баён этиш усули.
5. Технологик жараёнларнинг акс эттирилиш даражаси.
6. Ўқув материални асосий ва қўшимча қисмларга ажратилиши.
7. Танланган масала ва амалий топшириқларнинг мазмуни.
8. МЭДдаги тасвирий материалларнинг сифати.
9. МЭДнинг тили.

Педагогика олий таълим муассасалари учун яратилган “Информатика ва АТ” мультимедиали электрон дарслик мазмуни, дизайни ва ҳажми (150 балл) 10 нафар мутахассисдан ташкил топган экспертлар томонидан баҳоланди. Экспертларнинг “Информатика ва АТ” мультимедиали электрон дарсликка қўйган баҳоларининг ўртача арифметик қиймати қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (3-жадвал).

3-жадвал.

МЭДни баҳолаш натижалари

№	Баҳолаш мезонлари	Максимал балл	Баҳолаш натижаларига кўра ўртача балл
<b>МЭД мазмуни (максимал балл – 100 балл)</b>			
1.1.	МЭДнинг Давлат таълим стандартларига мувофиқлиги	10	9,8
1.2.	МЭДнинг тасдиқланган ёки мавжуд ўқув дастурига мувофиқлиги	10	9,2
1.3.	МЭДдаги мавзуларнинг ўқув режадаги дарс соатига мувофиқлиги	10	9,8
1.4.	Мавзулар кетма-кетлиги ва узвийлигининг таъминланганлиги	10	9,2
1.5.	МЭД мазмунига миллий истиқлол ғояларининг сингдирилганлиги	10	8,4
1.6.	Мавзуларни ёритишда материалларнинг илмий жиҳатдан тўғри берилганлиги	10	9,2
1.7.	МЭДдаги ўқув материалларини баён қилиш усулининг замонавийлиги ва қизиқарлилиги	10	9,2
1.8.	Билимларни талабалар ёшига ва билим даражасига мувофиқлиги	10	8
1.9.	Дарсларда машқлар, топшириқлар ва амалий машғулотларнинг етарлилиги	10	9
1.10.	МЭДнинг талабаларни мавзу устида мустақил ишлашга ўргатиши	10	9,2
<b>МЭД дизайни ва ҳажми (максимал балл – 50 балл)</b>			
2.1.	Иллюстрацияларнинг сони, унинг дарсларни ёритишга етарлилиги	10	9,2
2.2.	Иллюстрацияларнинг сифати, жозибаси, рангларнинг ўз ўрнида қўлланилганлиги	10	9,2
2.3.	Матн ва иллюстрацияларнинг ўзаро уйғунлиги	10	9,4
2.4.	МЭД материалларини (бош сарлавҳа, мавзу сарлавҳаси, иллюстрациялари, мавзу бандлари, саволлар, машқлар, амалий машғулотлар ва бошқаларни) дизайн ва мавзу жиҳатдан жойлаштиришда услубий изчиллик	10	9,4
2.5.	Шрифтларнинг тўғри танланганлиги ва қаторлар орасидаги масофанинг тўғри белгиланганлиги	10	9,4
	Жами (балл):	150	137,6

Экспертларнинг баҳолаш натижалари ўрта арифметик қийматига асосан “Информатика ва АТ” мультимедиали электрон дарслик 137,6 балл (максимал 150 баллнинг 91,7% ини) тўплади.

Педагогик тажриба-синов натижалари таҳлилида математик-статистика усули қўлланди. Тажриба-синов ишлари Қўқон ДПИ, Жиззах ДПИ, Навоий ДПИнинг физика-математика, табиий фанлар факультети I, II босқич математика ўқитиш методикаси, кимё ўқитиш методикаси ва биология ўқитиш методикаси ҳамда барча бакалаврият таълим йўналишларида “Информатика ва АТ” фанини ўқитишда мультимедиали электрон дарсликнинг самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида олиб борилди.

Тажриба гуруҳи учун жами 400 нафар талаба, назорат гуруҳи учун 388 нафар I, II курс математика ўқитиш методикаси, информатика ўқитиш методикаси, кимё ва биология ўқитиш методикаси йўналишлари талабалари жалб қилинди (4-жадвал).

4-жадвал.

Тажриба синовлари учун танлаган гуруҳлардаги талабалар сони ва ўзлаштириш кўрсаткичлари

№	Семестр	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
		Талабалар-нинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст	Талабаларнинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст
Қўқон Давлат педагогика институти физика– математика ва табиий фанлар факультетлари									
1	I	112	58	44	10	103	31	48	24
2	II	112	58	36	18	103	29	52	22
Жиззах давлат педагогика институти физика ўқитиш методикаси, математика ўқитиш методикаси, биология ўқитиш методикаси йўналишлари									
1	I	145	62	60	13	144	38	49	57
2	II	145	66	64	15	144	36	51	57
Навоий давлат педагогика институти физика– математика ва табиий фанлар факультетлари									
1	I	143	65	71	6	141	36	50	55
2	II	143	67	61	15	141	38	52	51
<b>Умумий ўргача</b>		133	188	168	44	129	109	151	128

Олинган натижалар асосида педагогика олий таълим муассасалари учун мультимедиали электрон дарсликлар яратиш методикасини такомиллаштириш даражалари қуйидагича жадвал кўринишида умумлаштирилди.

Педагогика олий таълим муассасалари учун мультимедиали электрон дарсликлар яратиш методикасини такомиллаштириш даражаларини якуний жадвали

Тажриба гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	юқори	ўрта	қуйи	Жами
	Қўқон Давлат педагогика институти	52	47	13	112
	Жиззах Давлат педагогика институти	71	59	15	145
	Навоий Давлат педагогика институти	65	62	16	143
	Жами	188	168	44	400
Назорат гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	юқори	ўрта	қуйи	Жами
	Қўқон Давлат педагогика институти	29	37	37	103
	Жиззах Давлат педагогика институти	41	58	45	144
	Навоий Давлат педагогика институти	39	56	46	141
	Жами	109	151	128	388


Жадвалдаги натижаларни таҳлил қилиниб синов ва назорат гуруҳлари таққосланди.

Педагогика олий таълим муассасалари учун мультимедиали электрон дарсликлар яратиш методикасини такомиллаштириш даражаларини қиёсий таҳлили (сон ва фоизларда)

Гуруҳлар	Талабалар Сони	Ўзлаштириш натижалари (% да)		
		юқори	ўрта	қуйи
Тажриба гуруҳи	400	188 47	168 42	44 11
Назорат гуруҳи	388	109 28	151 39	128 33

